

Сенегалдаги энг катта Қуръон марказининг асосчиси



15:20 / 28.12.2020 1455

Шайха Марям — Қуръонни ўргатишдаги кўплаб фаолияти билан танилган ва Сенегалда энг йирик Қуръон ўқув марказига асос солган муслима аёлдир.

«Sahra Media» нинг хабарига кўра, ушбу Қуръон маркази Сенегал пойтахти Дакарда жойлашган ва мамлакатнинг турли ҳудудларида ҳам филиаллари мавжуд.

Қуръон ҳофизаси Шайха Марям хоним Сенегал, Ғарбий Африкада Қуръонни ўргатиш ва Ислом қадриятлари ва таълимотларини тарқатишда катта хизмат қилган.

Марям Эниас 1934 йилда Сенегал марказидаги Колх шаҳрида таниқли олим оиласида туғилган. Унинг отаси шайх Иброҳим Аниас кўплаб Ғарбий Африка мамлакатларида, хусусан Нигерияда Ислом ва тижания мазҳабини тарғиб қилган.

Марям Аниас отасини Колх шаҳрида ташкил этган Қуръон мактабида таҳсил олган. У болалигида Қуръонни тўлиқ ёд олган. Бундан ташқари, у Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сийратларини араб

тилида ва баъзи фикҳий матнларни отасидан ўрганган.



Шайха Марям 1984 йилда Дакарда Ҳаси Иброҳим Ҳожи Аниас Таълим Комплексини ташкил этди. Бу Сенегал ва Ғарбий Африкадаги Қуръон ва Ислом билимларини ўргатадиган энг йирик марказлардан бири ҳисобланади.

Йигирманчи асрнинг энг буюк исломий арбобларидан бири ва Сенегалдаги энг йирик Қуръон марказининг асосчиси «Шайха Мерием» лақабли Марям Эниас 26 декабрь куни 88 ёшида вафот этди.

Хуршид Маъруф тайёрлади